



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 58 (13.655)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА "ТИНЧЛИК ЖАРАЁНИ, ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ВА МИНТАҚАВИЙ ШЕРИКЛИК" МАВЗУСИДА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДАГИ НУТҚИ

Мухтарам Афғонистон Ислон Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Фани Жаноби Олийлари!

Хурматли Федерика Могерини хоним! Хурматли ташқи ишлар вазирлари ва делегациялар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар! Мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтаётган Афғонистон бўйича юқори даражадаги халқаро конференциянинг барча иштирокчилари ва меҳмонларини Ўзбекистон халқи номидан самимий табриклашга ижозат бергайсиз.

Ушбу анжуманда иштирок этётганнингиз учун сизларга чуқур миннатдорлик билдираман ва меҳмондўст ўзбек заминда сизларни кўриб турганимдан гоят хурсандман.

Бугунги конференция Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислон Республикасининг биргаликдаги ташаббуси билан ўтказилмоқда.

Мазкур анжуман халқаро ҳамжамият томонидан Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича олиб борилаётган сайё-ҳаракатларнинг мантиқий давомидир.

Форумда шахсан иштирок этётгани учун Президент Муҳаммад Ашраф Фани Жаноби Олийларига алоҳида миннатдорлик билдирмоқчиман.

Шунингдек, халқаро конференция ўтказиш бўйича бизнинг ташаббусимизни аввалбошда ноқўл кўллаб-қувватлаган ва барча қатнашчиларга узининг табриқ хатини йўлаган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби жаноб Антониу Гутерришга самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Биз жаноб Антониу Гутерришнинг Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш жараёнида доирасида музокаралар ўтказиш тарафдори эканини, шунингдек, минтақамизда хавфсизлик ва барқарор тараққиётни қўллаб-қувватлаш борасидаги сайё-ҳаракатларини юксак баҳолаймиз.

Шу йилнинг январь ойида БМТ Хавфсизлик Кенгашида Қозогистон раислигида Марказий Осиё ва Афғонистон бўйича фикр алмушувлар бўлиб ўтган эди. Фурсатдан фойдаланиб, Қозогистон Республикаси Президенти Нурсултон Абишевич Назарбоевга ана шу ўта муҳим муаммони муҳокама этиш бўйича кўрсатган ташаббуси учун самимий ташаккур билдираман.

Шунингдек, бўлиб ўтган муҳокамалар чоғида билдирган зарур ва қимматли таклифлари учун БМТ Хавфсизлик Кенгашининг барча аъзоларидан миннатдорман. Бу таклифларнинг катта қисми ушбу конференциянинг Афғонистонлик ҳамкасбларимиз билан биргаликда тайёрланган якуний ҳужжати лойиҳаси – Тошкент декларациясида ҳисобга олинди.

Шу билан бирга, бугунги анжуманда иштирок этётган:

– Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могерини хонимини;

– Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия, Туркия, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Катар, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Турк-

манистон ташқи сиёсат маҳкамалари, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини чин қалбимдан қутлашдан гоят мамнунман.

Бугун ушбу залда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлган давлатлар ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар вакиллари тўпланганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Хурматли конференция иштирокчилари! Биз шу кунларда баҳор ва янгиликни байрами бўлган Наврўз айёмини кенг нишонламоқдамиз.

Азал-азалдан бу фаслда уруш-жанжаллар тўхтатилган, одамлар эски гина-қудуратларни унутиб, бир-бирини кечирган ва ҳатто энг мураккаб, ҳал этиб бўлмайдигандек туолган масалалар бўйича ҳам келишиб, ҳамжихатликка эришган.

Ишончим комил, бугун биз ҳам давримизнинг энг ўткир минтақавий ва глобал муаммоларидан бири – Афғонистондаги қарама-қаршиликни ҳал этишни амалий руҳда муҳокама қилиб, биргаликда умумий бир ечим ишлаб чиқишга қодирмиз.

Минг афсуски, жафоқаш Афғонистон заминидagi бу тўқнашув қарийб 40 йилдан буён давом этмоқда.

Маълумки, "уруш олови" афғон халқига четдан тикиштирилди, бу – унинг танлови эмас.

Ана шу йиллар мобайнида юз минглаб тинч аҳоли уруш қурбонига айланди, миллионлаб инсонлар ўз уйлари ташлаб кетишга ва бошқа мамлакатлардан бошлана излашга мажбур бўлди.

(Давоми 2-бетда)



ТАШКЕНТСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ ПО АФГАНИСТАНУ «МИРНЫЙ ПРОЦЕСС, СОТРУДНИЧЕСТВО В СФЕРЕ БЕЗОПАСНОСТИ И РЕГИОНАЛЬНОЕ ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ» ТАШКЕНТ, 27 МАРТА 2018 ГОДА

TASHKENT CONFERENCE ON AFGHANISTAN «PEACE PROCESS, SECURITY COOPERATION AND REGIONAL CONNECTIVITY» TASHKENT, 27 MARCH 2018

АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Пойтахтимизда 27 март куни "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси бўлиб ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган мазкур конференция жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди. Унда иштирок этиш учун мамлакатимизга Афғонистон Ислон Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Фани, БМТнинг Афғонистондаги махсус вакили Тадамити Ямамото, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могерини, шунингдек, АКШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Франция, Туркия, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Саудия Арабистони ва Бирлаш-

ган Араб Амирликлари ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари, жами 25 давлат ва халқаро ташкилот вакиллари таширф бўурди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев халқаро конференцияда нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикасининг биргаликдаги ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур анжуман халқаро ҳамжамият томонидан Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича олиб борилаётган амалий сайё-ҳаракатларнинг мантиқий давоми эканини таъкидлади.

(Давоми 3-бетда)

АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА "ТИНЧЛИК ЖАРАЁНИ, ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ВА МИНТАҚАВИЙ ШЕРИКЛИК" МАВЗУСИДАГИ ТОШКЕНТ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри 2018 йил 26-27 март

МУҚАДДИМА

Биз, Тошкент конференцияси иштирокчилари:

1) Афғонистонда тинчлик ва хавфсизлик ўрнатилиши минтақادا барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш ҳамда кўп йиллик зўравонлик ва афғон халқининг азоб-қўбатларига чек қўйишда салмоқли аҳамиятга эга эканини тасдиқлаймиз. Шу сабабли, биз Афғонистон раҳбарияти ва ушбу мамлакат халқининг сайё-ҳаракатлари билан терроризм ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашиш соҳасидаги ўзаро яқин минтақавий ҳамкорлик орқали амалга ошириладиган сиёсий тартибга солиш, шунингдек, минтақавий иқтисодий ҳамкорлик ва шериклик Афғонистон ва бутун минтақادا тинчлик ва фаровонликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этганини эътироф этамиз;

2) Биз БМТ БШ Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгашининг, жумладан, 2018 йил 19 январь куни Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Марказий Осиё ва Афғонистон бўйича мажлисидан сўнг Афғонистон ва Марказий Осиё ўртасида шакллантирилган янги шерикликка доир резолюциялари ва қарорларини қўллаб-қувватлаймиз;

3) Афғонистоннинг суверенитети, мустақиллиги ва худудий яхлитлиги, шунингдек, миллий бирдамлиги, Афғонистон халқи ва ҳукуматининг ўз мамлакатида тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш бўйича сайё-ҳаракатларини хурмат қиламиз;

4) Афғонистон раҳбарияти ва ушбу мамлакат халқининг ўз сайё-ҳаракатлари билан Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро ва минтақавий ташаббуслар, жумладан, Афғонистон ҳукумати раҳбарлигидаги Афғонистонда тинчликни таъминлаш ва зўравонликка барҳам бериш бўйича сайё-ҳаракатларига раҳбарлик қилишга қаратилган бош форум ва воқеа сифатида Қобул жараёнининг муҳимлигини эътироф этамиз;

5) Марказий Осиё давлатларининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёни ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни кенгайтиришга қаратилган сайё-ҳаракатларини, уларнинг минтақадagi сиёсий ва иқтисодий жараёнлардаги иштирокини қўллаб-қувватлаймиз;

6) Афғонистон раҳбарияти ва ушбу мамлакат халқининг ўз сайё-ҳаракатлари билан тинчлик ва ярашув жараёнини қўллаб-қувватлаш бўйича сайё-ҳаракатларнинг давоми сифатида Афғонистон бўйича "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусидаги Тошкент конференциясининг муҳим аҳамиятини алоҳида қайд этамиз.

7) Миллий Бирдамлик ҳукуматининг толиблар билан кенг қўламли тинчлик келишувига эришиш бўйича пировард мақсад йўлида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймаслик асосида "Толибон" билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказишни бошлаш ҳақидаги халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланаётган таклифини қатъий қўллаб-қувватлашимизни таъкидлаймиз ҳамда "Толибон"ни Афғонистон раҳбарияти ва ушбу мамлакат халқининг ўз сайё-ҳаракатлари билан ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюцияларига мувофиқ амалга оширилаётган тинчлик ўрнатиш жараёнига доир ушбу таклифни қабул қилишга қақирамиз;

8) Толиблар билан муносабатларни сиёсий йўл билан ҳал этиш Афғонистонда зўравонликка барҳам беришнинг энг мақбул йўли экани, шунингдек, Афғонистон ҳукумати ва "Толибон"нинг мurosасоз вакиллари ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан тўғридан-тўғри тинчлик музокараларини ўтказиш зарурати мавжудлигини қайд этамиз;

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 март куни "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусидаги Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси доирасида Еврокомиссия вице-президенти, Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могерини, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров, Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Мевлют Чавушўғлу, Покистон Ислон Республикаси ташқи ишлар вазири Хаважа Муҳаммад Асиф билан учрашувлар ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могеринини қабул қилар экан, турли даражадаги алоқалар фаоллашганини чуқур мамнунинг билан қайд этди, бу эса Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш ва мустақамлаш йўлидаги ўзаро интилишлардан далолатдир.

Сўхбатда Афғонистондаги вазиятнинг тинч йўл билан ҳал қилишга зарур кўмак кўрсатиш ва минтақани барқарор ривожлантириш, шунингдек, савдо, инвестициялар, инновациялар, таълим ва маданият соҳаларидаги икки томонлама амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари бўйича ўзаро алоқалар истиқболлари кўриб чиқилди. Келаси йилда ЕИнинг Марказий Осиё бўйича янги Стратегиясини қабул қилиш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров билан учрашувда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари юқори суръатларда ўсаётгани ва изчил муста-

камланаётганини алоҳида таъкидлади.

Сўнгги йилларда икки томонлама ҳамкорлик аниқ амалий мазмун билан бойингани қайд этилди. Ўзаро савдо ҳажми ортиб бормоқда, муҳим сарможий лойиҳалар амалга оширилмоқда, бизнес ва минтақалар даражасидаги кооперация алоқалари кунаймоқда. Таълим, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар алмушинувга оид янги дастурлар амалга оширилмоқда.

Россия Федерацияси Президентининг жорий йил кузда Ўзбекистон Республикасига бўладиган давлат таширфига тайёргарлик масалалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Мевлют Чавушўғлуни самимий кулар экан, дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлаш мақсадида ўтган йил октябр ойида Туркияга олий даражадаги таширф чоғида эришилган келишув ва битимларни тўлиқ амалга ошириш муҳимлигини қайд этди.

Навбатдаги олий даражадаги учрашувларга тайёргарлик кўриш, аввало, музокаралар кун тартибини савдо, сармож, юксак технологиялар, транспорт ва туризм, маданият соҳалари ва бошқа йўналишлардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликка оид аниқ лойиҳа ва дастурлар билан боитиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Покистон Ислон Республикаси ташқи ишлар вазири Хаважа Муҳаммад Асиф билан учрашувда икки томонлама муносабатларга амалий руҳ бахш этиш зарурлиги ҳақида сўз юритилди.

Давлатимиз раҳбари ўзаро савдо, қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги, энгил саноат ва бошқа тармоқлардаги кооперация алоқалари, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, Ўзбекистонга зибрат туризми учун таширф буюраётган сайёҳлар оқимини ошириш соҳаларида улкан салоҳият мавжудлигини алоҳида қайд этди.

Мулоқотларни янада фаоллаштириш, турли даражадаги ўзаро таширфлар ҳамда қўшма тадбирлар ташкил этиш бўйича келишувга эришилди.

Учрашувлар чоғида хорижий делегациялар раҳбарлари Афғонистон бўйича юксак даражадаги Тошкент конференциясини тўлиқ қўллаб-қувватлашни билдириб, у ўз вақтида ташкил этилгани ва тадбир кун тартибига киритилган масалалар долзарб аҳамиятга эга эканини қайд этди.

Форум натижалари ушбу мамлакатдаги вазиятни тинч музокаралар йўли билан ҳал қилиш жараёнини амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшишга ишонч билдирилди.

Янги босқичда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий янгиликлар ва социал-иқтисодий ислохотлар, шунингдек, Ўзбекистоннинг минтақادا конструктив ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик бўйича фаол иштирокига юксак баҳо берилди.

Юқори мартабали меҳмонлар Президентимизга Европа Иттифоқи раҳбарияти, Россия, Туркия ва Покистон раҳбарларининг эзгу саломини ва самимий тилакларини етказиб, ўз мамлакатларининг Ўзбекистон Республикаси билан ҳар томонлама ҳамкорлигини янада ривожлантиришга тайёр эканини билдирди.

ЎЗА



• Термиз темир йўл вокзалида Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг Сурхондарё вилоятидаги харбий қисмларида мuddатли харбий хизмат бурчини шараф билан ўтаб, Қуролли Кучлар резервига бўшатишга аскарларни тантанили кузатиш маросими бўлиб ўтди.

• Андижон вилоятининг Шаҳрихон тумани Қалача маҳалласида "ALS TEX" тикувчилик фабрикаси иш бошлади. Тадбиркор Абдусалом Тожибоевнинг сайё-ҳара-

кати билан қисқа мuddатда фабриканинг янги биноси барпо этилди. 1 миллион 600 минг доллар маблағ эвазига Хитой, Туркия, Таиланд давлатларидан замонавий дастгоҳлар, тикув машиналари келтирилиб, ўрнатилди. Энг муҳими, фабрика ишга тушиши билан 350 нафар шахрихонлик хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

• Наманган вилояти Янгиқўрғон туманида "Бўстон" спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Лойиҳа қиймати 1 миллиард 700 миллион сўм бўлган мазкур мажмуадан мини стадион, шунингдек, спортнинг волейбол, баскетбол, гандбол сингари кўплаб турлари бўйича шуғулланишга мўлжалланган ёпиқ спорт иншооти жой олган. Муассасада кунига 300 нафар ўғил-қиз машгулот олиб бориши учун барча шaroит яратилган.

• Жиззах вилоятининг Дўстлик тумани Манас қишлоғида "Обод қишлоқ" дастури доирасида амалга оширилаётган кўкчалмазорлаштириш ишлари давомида 6

минг 500 туп мевали ва 10 минг тупдан зиёд манзарали дарахт хўчатлари ўтказилди.



• Германиянинг Франкфурт шаҳрида етти юз нафар соҳа вакиллари иштирокида террорчиликнинг хуружига тахт туртилишини доимо таъминлаш мақсадида антитеррор машқлари ўтказилди.

• Франциянинг собиқ президенти Николя Саркози 2007 йилдаги президент сайловларининг сайловолди кампанияси қисман хориждан молиялаштирилганлиги тўғрисида ўзига билдирилган айбловни рад этди.

• Норвегияда ҳайдовчисиз қор тозаловчи машина ихтиро қилинди. Ушбу замонавий техника бир соатда 375 минг квадрат метр майдонни тозалаш қувватига эга. Қор тозаловчи машина 4 G тизими орқали бошқарилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЎН ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси эртага – 2018 йил 29 март куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА "ТИНЧЛИК ЖАРАЁНИ, ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ВА МИНТАҚАВИЙ ШЕРИКЛИК" МАВЗУСИДА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДАГИ НАТЖАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу можарога янги-янги қўлларнинг жалб этилиши унинг мислсиз даражада кескинлашиб кетишига олиб келди. Ушбу уруш нафақат Афғонистоннинг муаммоси, балки тобора мураккаблашиб бораётган халқаро муаммага айланган.

Афғонистонда халқаро террорчи гуруҳлар сонининг кенгайиши, зўравонлик ва қон тўкишлар, наркобизнеснинг барҳам толмаётгани – буларнинг барчаси афғон мамлакатдаги вазиятни жаҳон жамоатчилиги томонидан инкор этилишига йўл қўйиб бўлмастлигини кўрсатмоқда.

Энг ёмони, Афғонистондаги қуролли қарама-қаршилик ва зўравонлик шароитида бутун бир авлод воғяга етди. Лекин бу, айрим экспертлар аниқлашларча таъкидлаётганидек, "бой берилган авлод" эмас. Улар уруш, муҳтожлик ва қийинчиликлардан чарчаган одамлар, холос. Улар ўзаро низолашга ҳеч қўйиб, тинч ҳаётга, ўз мамлакатини тараққиёт ва фаровонликка олиб борадиган бунёдкор меҳнатга қайтишни хоҳлайди ва шунга интилади.

Мен қатъий аминман: афғон халқида ўз фарзандлари ва келажақ авлодларнинг бахт-саодати йўлида янги, тинч ҳаётни бошлаш ва барпо этиш учун куч-ғайрат, донишмандлик, мардлик ва матонат ботлаш.

Бугунги анжуманимизда вакиллари иштирок этаётган давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар бу жафокаш мамлакатдаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этишга қўмақлашди ва муҳим роль ўйнашга қодир ва шундай бўлиши керак.

Яқин Шарқ ва Шимолий Африкадаги воқеалар оқибатида Афғонистондаги вазият маълум бир вақт давомида халқаро сиёсат эътиборидан четда қолди. Аммо бунинг натижасида мазкур можаро ўз кескинлиги ва жиддийлигини йўқотгани йўқ.

Ўзбекистонда халқаро конференция ўтказиш таклифи Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган сайёҳ-ҳаракатларни бирлаштириш зарурати қўйидаги омиллар билан боғлиқ.

Биринчидан, бизнинг ташаббусимиз Ўзбекистоннинг таъминоти концепциясига тўла мос келади. Бу концепцияда, аввало, қўшни мамлакатлар билан яхши қўшничилик, дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш устувор вазифа этиб белгиланган.

Иккинчидан, Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари асрлар давомида ягона маданий-цивилизация маконида яшаб келган.

Азал-азалдан Амударёнинг икки томонида ўзаро ўхшаш тиллар, умумий муқаддас дин ва муштарак маънавий қадриятлар бирлаштириб турадиган халқлар яшаб келмоқда.

Амударё биз учун ҳамма тирчилик манбаи бўлиб келган, аммо одамларнинг эркин ҳаракат қилишига; савдо алоқаларини яқиндан ривожлантиришга, илм-фан соҳасидаги ютуқлар билан ўртоқлашишга ва бир-бирини маданий жиҳатдан бойитишга ҳеч қачон тўсқинлик қилмаган.

Афғон заминидан Марказий Осиё Уйғониб даврининг Абу Райҳон Беруний, Лутғий, Алишер Навоий, Камолиддин Бехзод, Захриддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб каби буюк номдорлари ва бошқа қўллар бизнинг улуг аждодларимиз яшаб ижод қилганлар.

Бугунги кунда Афғонистон ва Афғонистон ўртасида яқин сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар йўлга қўйилган. Афғонистонда миллионлаб ўзбеклар яшайди. Афғонистон Конституциясига мувофиқ ўзбек тили мамлакатнинг расмий тилларидан бири ҳисобланади.

Учинчидан, барчамиз қатъий ишонимизки, хавфсизлик ягона ва бўлинмасдир ва уни фақат биргаликдаги сайёҳ-ҳаракатлар билан таъминлаш мумкин. Биз хавф-хатарларнинг баъзи бирларини "ўзимизники", бошқасини эса "бирониники", деб қабул қилмаслигимиз керак, аниқроқ айтганда, бундай қилишга ҳақимиз йўқ.

Афғонистон хавфсизлиги – бу Ўзбекистон хавфсизлиги, бутун бепоян Марказий ва Жанубий Осиё минтақаси барқарорлиги ҳамда тараққиётнинг гаровидир. Халқаро террористик ташкилотлар Афғонистон ўзининг доимий маконига айлантириб олишига йўл қўйиб бўлмайди.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик ўрнатишга қўмақлашиш бўйича тажрибга эга.

Ўзбекистоннинг ташаббуси билан 1999 йилда Тошкентда Афғонистонга қўшни давлатлар, Россия ва АҚШ таъминоти концепцияси раҳбарлари даражасида "6+2" гуруҳининг учрашуви бўлиб ўтган эди. Бу учрашувда Шимолий Иттифоқ ва "Толибон" ҳаракати вакиллари ҳам иштирок этган эди.

Музокаралар якуни бўйича Афғонистондаги низоларни тинч йўл билан бартараф этишнинг асосий принциплари ҳақидаги Тошкент декларацияси қабул қилинди ва у Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 54-сессияси ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг расмий ҳужжатида айланган.

Шу муносабат билан биз Афғонистон билан умумий келажагимиз, афғонистонлик биродарларимизни ҳам, бизни ҳам бирдек таъминлаш соҳасидаги масалалар ҳақида гапириш учун барча асосларга, сиёсий ва маънавий ҳуқуққа эгамиз.

Айнан мана шунинг учун ҳам Ўзбекистон бутун дунё мамлакатларини бизнинг бу эзу ишдаги сайёҳ-ҳаракатларимизни қўллаб-қувватлашга даъват этади.

Қадрли дўстлар! Бугунги кунда Афғонистондаги вазиятни бартараф этиш бўйича кўп қиррали ва мураккаб масалалар минтақа ва халқаро миқёсда кенг муҳокама қилинмоқда.

Бу ўринда Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий инқирозни ҳал этиш йўллари топиш мақсадида ташкил этилган Кобул жараёни, Москва формати, Халқаро мулоқот гуруҳи, "Осиё юраги" деб номланган Истанбул жараёни, "ШХТ – Афғонистон" мулоқот гуруҳи ва бошқа кўп томонлама муҳокама жараёнлари алоҳида диққатга сазовордир.

Ўзбекистон Кобул жараёни доирасидаги иккинчи мажлис иштирокчиларининг Афғонистон ҳукумати билан "Толибон" ҳаракатининг "олдиндан шарт қўймаслик ва куч ишлатиш билан таҳдид қилмаслик" асосида тўғридан-тўғри музокаралар ўтказишни бошлаш ҳақидаги қарорини қўллаб-қувватлайди.

Аммо тинчлик сари ҳаракатнинг энг асосий шарт, бизнингча, аввало, минтақа ва глобал даражада келишилган, Афғонистон учун ягона кенг қамровли тинчлик дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборатдир.

Шундан келиб чиққан ҳолда, бизнинг биргаликдаги сайёҳ-ҳаракатларимизнинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

биринчи – афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш ва улар бўйича кенг ва қатъий халқаро консенсус – муроСага эришиш;

иккинчи – Афғонистон ҳукумати ва қуролли муҳолифат ўртасида музокараларни бошлаш механизминини ишлаб чиқиш;

учинчи – Афғонистонда миллий келишув жараёнига халқаро ҳамжамият томонидан қўмақ бериш бўйича "йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш.

Ва ниҳоят, барча манфаатдор ташкилотларнинг қуролли муҳолифатдан Афғонистон ҳукумати билан музокаралар столига ўтиришини, қарама-қаршилик ва зўравонликка чек қўйишни қатъий ва бир овоздан талаб қилиш бекёёё аҳамият касб этади.

Бундан бошқа йўл йўқ. Бизнинг фикримизча, бугунги учрашувимизнинг бош ғояси шундан иборат.

Хурматли хонимлар ва жаноблар! Афғонистондаги низолар гоят мураккаб ва қарама-қарши ҳусусиятга эга эканини, уларга турли қўллар жалб этилганини эътиборга олган ҳолда, шунингдек, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюциясида келиб чиқиб, кенг қамровли тинчлик жараёнини учта ўзаро боғлиқ даражада амалга оширишни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Афғонистон мамлакатаи даражасида – марказий ҳукумат ва қуролли муҳолифатнинг асосий қўллари, биринчи навбатда, "Толибон" ҳаракати ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқотни бошлагани таъминлаш зарур.

Томонларнинг бир-бирига нисбатан саволлари ва талаби бўлажақ музокараларда муҳокама қилиниши мумкин бўлишига эришиш зарур.

Ўз-ўзиндан равшанки, Афғонистон ичидидаги сиёсий жараёнларни бошлашни энди орқага суриб бўлмайди. Бу жараёни чўзиш яна қўллаб беғуноҳ одамларнинг қурбон бўлишига олиб келади.

Тинчлик жараёнининг муваффақиятли бўлишини таъминлаш учун афғонистонликларнинг ўзларига ташаббус кўрсатиши, музокаралар қандай форматда, қачон ва қаерда олиб борилиши бўйича танлаш имконини бериш керак.

Бу ўринда гап, аввало, қуролли муҳолифат томонидан ҳам, Афғонистон миллий хавфсизлик қўллари томонидан ҳам жанговар ҳаракатлар олиб боришдан воз кечилиши ва ўт очини тўхтатиш режимида сўзсиз риоя қилиниши ҳақида бормоқда.

Афғонистоннинг келгусидаги тинч тараққиёт учун умумий масъулиятни ҳис этган ҳамда ўзбек ва афғон халқининг азалий дўстлик алоқаларига таянган ҳолда, биз Ўзбекистон ҳудудида тинчлик жараёнларининг исталган боққичида Афғонистон ва "Толибон" ҳаракати ўртасида тўғридан-тўғри музокараларни ташкил этиш учун барча шароитларни яратиш беришга тайёرمىз.

Муҳолифат тинч музокараларда иштирок этадиган ва миллий келишувга эришилган тақдирда Афғонистоннинг сиёсий ҳаётига муҳолифатнинг интеграциялашуви учун барча шароитларни яратиш зарур бўлади.

Қуролли муҳолифат вакиллари, жумладан, толиблар ҳам афғон жамиятининг бир қисми ва Афғонистон фуқаролари сифатида ўз мамлакатаи келажагини белгилаш учун овоз бериш ҳуқуқига эга.

Бу борада мамлакатда парламент ва президентлик сайловларига бўлган даврда афғонлар ўртасида ўзаро мулоқотни бошлаш ва шу тариқа жамиятнинг барча қатламлари, жумладан, муҳолифатдаги қўллари ҳам янги Афғонистон давлатини қуришда тўлақонли иштирок этиш учун кенг имкониятлар яратиш гоят муҳимдир.

Минтақавий даражада – аввало Покистон, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амириклари, Қатар ва Марказий Осиё давлатларининг қўллаб-қувватлаши билан томонлар ўртасида мустаҳкам келишувни таъминлашга эришиш зарур.

Афғонистонда иқтисодий ривожланиш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ бир қатор жиддий муаммоларни ҳал этиш кўп жиҳатдан унга қўшни бўлган давлатларга, бизнинг эзу хоҳиш-иродамиз, қатъий қароримиз ва бу мамлакатда миллий ярашувни таъминлаш, зўравонликка барҳам беришда фаол иштирок этишга қанчалик тайёр эканлимизга боғлиқлигини, ўйлай-манки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Барча қўшни ва ҳамкор мамлакатларнинг сайёҳ-ҳаракатлари бир-бирини тақдорласлиги, балки тўлдириши керак. Биз бу муаммони ҳал этиш бўйича ўзаро келишилган чора-тадбирлар, ёндашув ва механизмларни ишлаб чиқишимиз зарур.

Шу йилнинг январь ойида БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши йиғилишида БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш жаноблари таъкидлаганидек, минтақавий ҳамкорликнинг янги жадал суръатлари "умумий, аллақачон либериб этилган ва долзарб вазифаларни ҳал этиш бўйича барчамизнинг олдимизда катта имкониятлар очади".

Биз энди Афғонистонга унинг ҳудудидан тинчлик ва барқарорликка таҳдид солмайдиган давлат сифатида қарай бошлашимиз керак. Афғонистон – бизнинг дўстона ҳамкоримиз ва қўшимчимиздир.

Ишонманки, Афғонистонни қўшни мамлакатлар билан савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар алоқалар тизимига жалб этиш бўйича умумий сайёҳ-ҳаракатларимиз бу мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш ва уни тинч ҳаётга қайтариш жараёнига сезиларли хисса қўлади.

Ҳеч шубҳасиз, охири-оқибатда афғон заминидан тинчлик ўрнатилиши бепоян Евроосиё қитъасидаги барча давлатлар учун янги имкониятлар очади ва реал наф қилтиради. Бу умумий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, автомобиль ва темир йўллари қуриш, табиий ресурсларни ташийдиган қувурлар ўтказиш, минтақавий ва трансминтақавий савдо-сотиқнинг ривожланиши учун қўлай шароитлар яратади.

Имкониятнинг фойдаланиши, Афғонистоннинг иқтисодий-иқтисодий тикланиши учун Ўзбекистон имкон даражасида хисса қўшаётганини қайд этмоқчиман.

Биз 2002 йилдан буён Афғонистонга электр энергияси етказиб беришга муваффақ бўлишга эришдик. Сурхон – Пули – Хумри янги электр тармоғининг ишга туширилиши билан Ўзбекистондан Афғонистонга электр энергияси етказиб бериш ҳамми кескин ортади.

Биз биргаликда яна бир стратегик лойиҳани амалга ошириш таклифини илгари сурмоқдамиз. Бу ўзбек мутахассислари томонидан қурилган ва ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган Хайратон – Мозори Шариф темир йўлини Хиротчага давом эттириш лойиҳасидир.

Бу лойиҳа Афғонистон иқтисодий-иқтисодий тиклаш учун аниқ ва амалий хисса бўлиб қўшилади, янги иш ўринларини яратади ва мамлакатнинг транзит салоҳиятини оширади.

Трансафғон транспорт-коммуникация лойиҳалари бўйича ишларнинг шу каби катта аҳамиятга эга бўлган "Ўзбекистон – Туркменистон – Эрон – Умон" ва "Ўзбекистон – Қирғизистон – Хитой" каби бошқа минтақавий лойиҳалар билан узвий боғлиқ ҳолда бошлангани Шимолдан Жанубга ҳамда Шарқдан Фарбга бўлган барча йўналишларда қитъалараро транспорт коридорларини энг қисқа йўллар билан ривожлантириш учун зарур шароитлар яратади.

Гуманитар алоқалар фаол ривожланимоқда. Шу йилнинг январь ойидан бошлаб Афғонистонга чегарадош Термиз шаҳрида махсус ташкил этилган Афғонистон фуқароларига таълим бериш маркази иш бошлади. Ҳозирги кунда бу мақсадда 100 нафарга яқин афғонистонлик йигит-қизлар таълим олмақда.

Биз мазкур марказда афғон мутахассисларини тайёрлаш бўйича ихтисослик ва йўналишлар сонини кенгайтиришни режалаштирмоқдамиз.

Глобал даражада – дунёнинг етакчи, буюк давлатлари ва донор ташкилотлар томонидан Афғонистондаги тинчлик жараёнлари принципал жиҳатдан сиёсий қўллаб-қувватланиши ва мамлакатнинг иқтисодий-иқтисодий тикланиши учун молиявий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш зарур. Уларнинг ёрдами туяфайли мамлакат тинч ривожланиш йўлига ўтди. Бугунги Афғонистон – бундан атиги йигирма йил олдинги мамлакат эмас.

Очид демократик сайловлар ўтказилган пайтдан бошлаб бу юрда давлат қурилишининг янги даври бошланди, оддий афғон фуқаролари ҳаётида ижобий ўзга-

ришлар кўзга ташланмоқда. Мамлакат ҳукумати аҳолини таълим ва соғлиқни сақлаш хизмати билан кенг қамраб олишга муваффақ бўлди. Буларнинг барчаси афғон халқининг тинч-осойишта ҳаёт ва тараққиёт сари интилаётганидан далolat беради.

Яқин икки йил ичида Афғонистонда муҳим сиёсий воқеалар – парламент ва президентлик сайловлари ўтказилиши кутилмоқда. Бу воқеалар мамлакат барқарор демократик тараққиёт йўлидан изчил илгариллаб бораётганининг тасдиғи бўлиши лозим.

Хурматли дўстлар! Барчамиз бир ҳақиқатни англаб олишимиз зарур: биз бугун фақатгина Афғонистоннинг келажаги учун эмас, балки умумий хавфсизлигимиз, терроризм, фанатизм ва зўравонликдан ҳоли дунё учун курашмоқдамиз.

Биз ўтмишдаги хатоларни тақдорласлигимиз керак. Умумий масъулиятимизни доимо ёдда тутишимиз лозим.

Афғонистонда тинчликка эришиш вазифаси бугунги кунда глобал хавфсизлик ва тараққиёт учун том манода мисли қўрилмаган хатарга айланган терроризм ва экстремизмга қарши курашишга қаратилган сайёҳ-ҳаракат билан узвий боғлиқдир.

Бизнинг қатъий ишончимизга кўра, барча ташкилотлар афғон ҳукуматининг Афғонистонда хорижий террористик ташкилотларнинг базаларини йўқ қилиш бора-бора сайёҳ-ҳаракатларини сўзсиз қўллаб-қувватлаши, ҳеч қандай фарқларга қарамастан, терроризмни молиявий ва моддий-техник қўллаб-қувватлашининг олдини олиши ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон терроризм, экстремизм ва радикализм мафкурасига қарши кураш борасида ҳаммаша принципал позицияга эга бўлиб келган.

Бундай хавф-хатарларга қарши фақат куч ишлатиш усуллари билан эмас, балки биринчи навбатда, айниқса, ёшлар ўртасида, зўравонликни келтириб чиқарадиган жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозим.

Ўтган йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таклифини илгари сурган эди.

Бизнинг асосий мақсадимиз – ёшларнинг сифатли таълим олиш имкониятига эга бўлишига эришиш, уларнинг ўз қобилияти ва истеъдодини рўёбга чиқариши учун барча зарур шароитларни яратиш беришдан иборат.

Биз барча хорижий ҳамкорларимизга ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини аҳоли ва айниқса, ёшларга тушунириш йўлида яқин ҳамкорликда иш олиб боришни таклиф этамиз.

Ўйлайманки, бу борада Ўзбекистонда ташкил этилган Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ислом цивилизацияси маркази ва Ўзбекистон Ислом академиясининг имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, биз ташаббус тарикасида Афғонистонда таълимни қўллаб-қувватлаш бўйича махсус халқаро фонд ташкил этишни таклиф қиламиз.

Бундан кўзланадиган асосий мақсад – мамлакатда талаб катта бўлган соҳалар бўйича миллий кадрлар тайёрлаш, истеъдодли талабалар ва ёш олимлар учун стипендия ва грантлар ажратиш борасида афғон томонида қўмақлашдан иборат.

Бизнинг қатъий ишончимизга кўра, жамиятда таълимнинг нуфузини ошириш ва ёшларнинг камолотга интилишини рағбатлантириш – бу барқарор ва изчил тараққиётга эришиш қафолатидир. Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни зўравонлик ва радикализм мафкурасидан ҳимоя қилишда ёрдам беради.

Хурматли форум қатнашчилари! Ишончим комил, ушбу конференциянинг ўтказилиши, амалий рўхдаги мулоқот ва мунозаралар, шунингдек, яқиний Тошкент декларациясининг қабул қилиниши Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича амалий жиҳатдан ижобий натижага эришиш имконини беради ва тинчлик жараёнининг ўзига хос "йўл харитаси"га айланади.

Моҳият эътиборига кўра сизларнинг ёрдамингиз билан афғон муаммосининг энг муҳим жиҳатлари бўйича барча манфаатдор томонларнинг сиёсий иродаси ва ўзаро англашувини ўзида акс эттирадиган ҳужжат қабул қилинади.

Афғонистоннинг келажаги халқаро ҳамжамиятнинг барчамиз учун умумий бўлган таҳдид ва хатарларга қарши курашишга ожиз эканини кўрсатадиган мисолга айланиб қолмаслиги лозим.

Бугун барчамиз бирлашиб, жафокаш Афғонистон халқига тинчлик ва тараққиёт йўлида ёрдам қўлини чўзишимиз, уни қўллаб-қувватлашимиз ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Барча конференция иштирокчиларига чин қалбимдан самарали иш олиб боришларини тилайман. Эътиборингиз учун раҳмат.

АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА "ТИНЧЛИК ЖАРАЁНИ, ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ВА МИНТАҚАВИЙ ШЕРИКЛИК" МАВЗУСИДАГИ ТОШКЕНТ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

9) Афғонистон ҳукумати ва "Толибон" билан тўғридан-тўғри музокараларни бошлаш бўйича сайёҳ-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашнинг тасдиқлаш мақсадида Кобул жараёнини Афғонистон бўйича бошқа минтақавий ва халқаро тинчликпарвар ташаббуслар билан бир қаторда, бундай қилишга ҳақимиз йўқ.

10) Толибларни афғон халқининг азоб-қувбатларига чек қўйиш учун Афғонистонда тинчлик ва хавфсизлик ўрнатишда уларнинг ҳам масъулиятни бориш-гани тан олишга ҳамда ўзаро келишилган форматни ишга солган ҳолда ва халқаро ҳамжамиятнинг тўлиқ қўллаб-қувватлаши орқали Афғонистон ҳукумати билан тўғридан-тўғри тинчлик музокараларига киришишга тайёр эканлигини расман эълон қилишга чакрамиз.

11) Афғонистон ҳукумати ва "Толибон"ни сиёсий музокараларга кириштиришга чакрамиз. Кенг қўламли тинчлик келишувидан барча ютади, ҳеч ким ютказмайди. Ушбу келишув "Толибон"нинг сиёсий жараёнига легитим сиёсий иштирокчи сифатида қўшилишини, "Толибон"нинг зўравонликдан воз кечини ҳамда террорчилик гуруҳлари ва халқаро терроризм, жумладан, "Ал-Қоид", ИШИД ва бошқа трансмиллий террорчилик тармоқлари (ТТТ) билан алоқаларини узиниши, шунингдек, Афғонистон Конституцияси, жумладан, барча афғонларнинг тенг ҳуқуқлари ҳурмат қилинишини қафолатлаш лозим.

12) Хотин-қизларнинг афғон ярашув жараёни, хавфсизлик, жамият ва иқтисодий ҳаётда тўлиқ ва салмоқли иштирокнинг муҳим аҳамиятини алоҳида таъкидлашимиз ҳамда хотин-қизлар ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган халқаро сайёҳ-ҳаракатларни муттасил қўллаб-қувватлашимизни қайд эташимиз, шунингдек, Афғонистоннинг хотин-қизлар, тинчлик ва хавфсизликка доир ҳаракатлар Миллий режасини амалга оширишни қўллаб-қувватлашнинг тарафдори бўлиб қоламиз.

13) Афғонистон ҳукуматини самарали рағбатлантириш йўли билан тинчлик музокараларини бошлаш ва илгари сурини учун ҳамда тинчлик жараёнига қўшилишдан бош тортаётган ҳамда зўравонлик, қон тўкиш ва ваҳшийлик ҳаракатларини давом эттираётган, трансмиллий террорчилик тармоқларига қўмақлашадиган мурокасиз элементларга қарши зарур чора-тадбирлар билан курашиш учун қўлай шароитлар яратишда қўллаб-қувватлаймиз.

14) Барча мамлакатларни Афғонистон хавфсизлиги, барқарорлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун унинг суверенитети ва ҳудудий ялтилигини ҳурмат қилишга, унинг ички ишларига аралашмасликка чакрамиз.

ТЕРРОРИЗМ ВА НАРКОТИКЛАРНИНГ НОҚОНУНИЙ АЙЛАНИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШ

16) Афғонистон халқига қарши яқинда содир этилган шафқатсиз таъвоуларни қоралаймиз ҳамда у билан мустаҳкам бирдамлигимизни билдирамиз, терроризмнинг шакл ва қўрилишларини фарқлашдан уларнинг барчасини қоралаймиз, трансмиллий терроризм, наркотикларнинг ноқонуний айланиши ва уюшган жиноятчилик ўртасидаги алоқадан Афғонистон, минтақа ва бутун халқаро ҳамжамият хавфсизлиги ва барқарорлигига жиддий ва умумий таҳдидлар мавжудлигини эътироф этамиз;

17)

АФҒОНИСТОН БҒЎЙИЧА ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ер юзининг катта қисмида сўнгги 40 йилда афгон урушига у ёки бу даражада дунё келган авлодлар улғайди. Кимнингдир ўғли, кимнингдир қариндоши ёки кўшини бу адолатсиз уруш қурбонига айланди. Уруш олови қанчадан-қанча бегуноҳ одамнинг ёстигини қуритди, унинг совуқ нафаси бошқа юртларга ҳам етиб борди, минглаб оилаларни пароканда, гўдакларни етим қилди. Шу боис "Афгонга кетибди" деган хабар юракларга кўркүв, хавотир олиб кирарди. Оталар ўғлининг афгонга харбий хизматга кетганини кекса ота-онасидан яширар, ичидида дардини билдирмасди. Оналар пананада жигарбандига соғлиқ-омонлик сўраб Яратганга ёлворар, йўл қарарди.

Ана шундай муҳитда улғайган болалар "афгонга олиб кетмасмикан", дея йиллар давомидида хавотир билан яшарди, харбийга бормаслик чорасини қидирди. Орадан ўн йиллар ўтган бўлса-да, афгон муаммоси одамлар хотирасида қолдирган ваҳима ва кўркүв ҳали унутилгани йўқ.

Афсуски, афгон уруши йиллар ўтган сари жанг майдонларидан нархобизнес, терроризм, экстремизм каби кўзга кўринмас уруш ўчоқларига кўчди. Энди бу заминдаги нотинчлик ва зўравонликлар, ноҳақ кон тўқишлар дунёнинг барча минтақаларига таҳдид солар даражада кенгайди.

Агар Афғонистонда тинчлик ҳукм сурганда 2001 йил 11 сентябрь воқеалари бўлмасди, минглаб инсонлар террор қурбонига айланмасди. Бу юртада тинчлик-оқош-таллик бўлганда, диний экстремистик ҳаракатлар илди-затмасди, дунёнинг турли минтақаларида нотинчлик оловини ёқаётган ёвуз кучлар, Ислон давлати деб номланган террорчилик ташкилоти пайдо бўлмасди. Гибҳанд моддалар ва ноқонуий қурол савдоси нафақат кўшни давлатлар, балки бутун дунё ҳамжамиятига таҳдид солмасди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, жафокаш Афғонистон заминидидаги тўқнашувлар, "уруш олови" афгон халқининг ўз танлови эмас, аксинча, четдан тўқиштирилган фитнес натижасидир. Ана шу нотинчликдан афгон халқи ўн йиллар давомидида жабр чекиб келмоқда, миллионлаб одамлар ўз уйини ташлаб олиш юртларда сарсон-саргардон бўлиб юрибди.

Бу заминдаги кескинлик Марказий Осиё мамлакатлари жаҳон иқтисодийнинг фаол интеграция жараёнидаги иштирокига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мисол учун, тинч Афғонистон савдо-иқтисодий, транспорт-логистик имкониятлари билан Ўзбекистонга бошқа минтақаларга денгиз орқали қисқа йўл билан чиқиш имконини берар эди.

Халқимизда "Бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака қочади", деган нақл бор. Афғонистонда қарийб 40 йилдан буён давом этиб келаётган можаро афгон халқининг ҳаётини ўнлаб йиллар орқага суриб ташлади. Бу ҳудудда пайдо бўлган инқироз, аҳолининг қашшоқлашуви дунё ҳамжамиятидан аллақачон глобаллик касб этган ушбу муаммага биргаликда амалий ёчим топишни тақозо қилмоқда. Шу мақсадда кейинги йилларда қатор лойиҳалар амалга оширилди, мулоқот гуруҳлари ташкил этилди.

Ўзбекистон 2017 йилда Афғонистон муаммосини ҳал этиш бўйича ўтказилган турли форматдаги халқаро ва минтақавий анжуманларда, жумладан, кенгайтирилган таркибдаги Москва учрашуви (апрель), "Қобул жараёни" (июнь), Афғонистон Ислон Республикаси оид минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференцияси (Ашхобод, ноябрь), "Осиё юраги - Истанбул жараёни" (Боку, ноябрь-декабрь) ва Халқаро мулоқот гуруҳи йиғилишида (Осло, декабрь) юқори даражада қатнашди.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича Ўзбекистон позициясини баён қилди, бу борада аниқ таклифлар билдирди. Ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида БМТ шафелигида ўтган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажақ, барқарор

ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусидаги халқаро конференцияда Афғонистоннинг минтақавий иқтисодий жараёнларга қўшилиши йўлидаги ташаббуслар илгари сурилди.

Ўзбекистон ва Афғонистон Президентларининг олий даражадаги учрашувларида мамлакатимизнинг бу борадаги ижобий позицияси ўзаро манфаатли келишувлар орқали янада мустаҳкамланди.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур форум ўз формати ва Афғонистон муаммоси бўйича аниқ ёчимлар топишга қаратилгани билан илгариги халқаро анжуманлардан фарқ қилади. Шу боис уни ўтказиш ташаббуси дунё ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Нуфузли халқаро ташкилотлар, сиёсатшунослар ва экспертлар томонидан Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликка эришиш, шу орқали нафақат Марказий Осиё, балки унга туташ минтақаларда тинч тараққиётни таъминлашга хизмат қилувчи мазкур конференция афгон халқининг муаммоларини ҳал қилиш бўйича аниқ таклифлар илгари сурилиши билан амалий аҳамиятга эга, деган фикрлар билдирди.

Жумладан, Афғонистон Ислон Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш йўлидаги Ўзбекистон ташаббуси гоят қадри эканини таъкидлади.

Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могерини ўз нутқида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга оид ташаббусни қўллаб-қувватлашини, бу масала Европа Иттифоқининг доимо эътиборида туришини қайд этди.

Мазкур форумга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан ҳам катта қизиқиш билдирилди. БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш конференция иштирокчиларига видеомурожаат йўлаб, ушбу анжуман Афғонистонда тинчликка эришиш йўлида алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Тошкент конференцияси иштирокчиларининг расмий суратга тушиш маросимидан сўнг анжуман шўба мажлисларида давом этди. Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров афгон муаммосини ҳал қилиш ташаббуси минтақа давлатларининг ўзидан чиқаётгани муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Тошкент конференцияси ўз вақтида амалга оширилган муҳим жараён экани ва ундан халқаро ҳамжамият ижобий натижалар кутиб қолишини таъкидлади.

Туркия ташқи ишлар вазири Мевлут Чавушўғлу Тошкент конференцияси Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришда муҳим ўрин тутганини, бу беқарорликка сабаб бўлаётган кучларнинг ўзаро ярашуви оид жараённи тезлаштиришга ёрдам беришини қайд этди.

АҚШ Давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Томас Шэннон Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича ташаббуслари билан минтақа давлатлари тараққиётига, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётгани, шу жиҳатдан дунё ҳамжамияти мазкур конференцияга муаммони ҳал қилишда амалий ёчим сифатида қараётганини қайд этди.

Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Ли Баодун Афғонистоннинг сармога, савдо, транспорт имкониятларини ошириш учун уни қўшни давлатлар қўллаб-қувватлаши зарурлигини таъкидлади.

Покистон Ислон Республикаси ташқи ишлар вазири Хаважа Муҳаммад Асиф Афғонистондаги нотинч муҳит бевосита кўшни ва узоқ давлатларда вазиятга салбий таъсир этишини, шу боис барча ушбу мамлакат тинчлиги учун ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиши кутилган натижани беришини қайд этди.



Анжуманда таъкидланганидек, айрим геосиёсий кучларнинг Афғонистонда юзга келган вазиятдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланаётгани ушбу давлатда вазиятни яхшилаш борасидаги интилишларга тўқинлик қилмоқда. Бунинг оқибатида террорчи ташкилотлар жангариларининг Афғонистон ичкарасига тобора кўпроқ кириб бориши ва уни ўз полигонига айлантиришига йўл очилмоқда.

Афғонистон муҳим трансчегаравий ҳудудда жойлашган. Бу мамлакат билан ҳамкорликдан Марказий Осиё давлатлари энг кўп манфаатдор. Анжуманда Марказий Осиё мамлакатларининг ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари томонлар бу йўлда барча имкониятларни ишга солишга тайёр эканини қайд этди.

Халқаро конференцияда НАТО бош котибининг операциялар бўйича ёрдамчиси ўринбосари Жон Манза, Буюк Британия бош вазирининг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Гарет Бейли, Италиянинг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Альберто Пиери, Германия ҳукуматининг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Маркус Потцель, Қатар Ташқи ишлар вазириги махсус вакили Муллақ бин Маждид ал-Қахтоний, Япония Ташқи ишлар вазириги махсус маслаҳатчиси Хироси Такахаши, Франциянинг мамлакатимиздаги Факултетида ва мухтор элчиси Виолет де Вильмор, ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси директори Евгений Сисоев, Норвегия Ташқи ишлар вазириги Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Рольф Вилли Хансен ва бошқалар сўзга чиқди.

Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани тиклаш, унинг минтақавий иқтисодий жараёнларга қўшилишига ҳар томонлама қўмаклашиш тўғрисидаги таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди.

Конференция иштирокчилари анжуман якуни бўйича Тошкент декларациясини имзоладилар. Мазкур ҳужжатда минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, барча соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ахил кўшилиш муносабатларини янада мустаҳкамлаш каби эзгу мақсадлар кўзда тутилган.

Тадбир якунида ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Комилов ва Афғонистон ташқи ишлар вазири С.Раббоний нуфузли конференцияда эришилган натижалар ҳақида маълумот берди.

Таъкидландики, мазкур халқаро конференция дунё ҳамжамиятининг Афғонистонда тинч тараққиётни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларига гоят муҳим ҳисса қўлиб қўшилди. Бундай анжуманлар келгусида ҳам давом этади.

С.Раббоний муҳим тарихий ташаббусни илгари суриб, Афғонистон бўйича Тошкент конференциясини ўтказишга бош бўлган Ўзбекистон Президентига, мамлакатимиз ҳукумати ва халқига алоҳида миннатдорлик билдирди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗА МУХБИРИ

ҲЕЧ КИМ МЕҲР- ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Бугунги кунда бутун дунё аҳолисининг 1 миллиарддан ортиғи, яъни етти кишидан камиди бирида муайян турдаги ногиронлик мавжуд бўлиб, барча ногиронларнинг 100 миллиондан ортиғини болалар ташкил этади.

Ўзбекистонда ҳам ногиронлиги бўлган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятимизнинг тўлақонли аъзоси эканликларини кўрсатиш мақсадида турли тадбирлар амалга оширилмоқда, уларнинг ижтимоий муҳофазаси таъминланган.

"Ватанпарвар" ташкилоти "Бектемир ЎСТК" унитар корхонаси Ўзбекистон ногиронлар жамияти Тошкент шаҳар Бектемир туман бўлими билан ҳамкорликда имконияти чекланган инсонларга моддий ва маънавий ёрдам бериш, уларнинг жамиятда ўз ўринларини топишлари учун қўмаклашиш ва меҳр-муруват кўрсатиш мақсадида "Ҳеч ким меҳр-эътибордан четда қолмасин" акцияси уюштирилди.

"Ватанпарвар" ташкилоти "Бектемир Ўқув спорт техника клуби" унитар корхонасининг маънавият, харбий ватанпарварлик тарғиботи ва ташкилий-оммавий ишлар бўйича бошлиқ ўринбосари Дилфуза Копабоева тадбирда сўзга чиқиб, йиғилганларни яшариш ва янгилини равиш ҳисобланган Наврўз байрами билан табриклаб, ногирон, ҳам таъминланган ва етим болаларга соғалар улашди.

Инсон манфаатлари қадрланганидан мамлакатимизда юртимиз эртаси бўлган ёш авлодга қаратилган бундай эътибор, ҳамхўрлик ҳар жиҳатдан эътирофга лойиқ, дейди ногиронлар жамияти Бектемир туман бўлими раҳбари Лариса Григорьевна ўз миннатдорчилигини билдирар экан.

(Ўз мухбириимиз)

ТАРБИЯДА СЕРҚИРРА МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Болалар, ўсмирлар қалбларига, тафаккурига, кундалик ҳаёт тарзига буюк аждодларимиздан қолган серқирра, беқийс мерос, миллий ўзлигимиз, урф-одат ва анъаналаримиз мазмун-моҳиятини синдириб бориш ёш авлод тарбиясининг муҳим жиҳатларидан биридир.

Давлатимиз томонидан халқимизнинг бой тарихини янада тереин ўрганиш орқали ёшлар таълим-тарбиясини тобора такомиллаштириш, баркамол ёш авлод тафаккурини маънавий юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганлиги бежиз эмас, албатта.

Таълим-тарбия жараёнида ўзбек халқининг маънавий, маданий қадриятларига, ҳикматли сўзларига, мақол-маталларига таянган ҳолда иш қўришни аҳамияти катта. Зеро, нафақат ёшларни, балки жамиятнинг барча қатламларини юксак маънавият ва маърифат соҳиблари сифатида маънавий озанлатириш борасида асрлар давомидида сақланган, сайқаланган мақолларнинг ўрни ўзига ҳосдир.

Халқ қадим-қадимдан йиғиб борилган ҳаётий тажрибасини турли воситалар ёрдамида келгуси авлодларга мерос қилиб қолдиради. Мақоллар шундай тенгсиз хазинанинг аҳойиб дурдоналари, бой мероснинг гўзал намуналаридир. Халқ донишмандлигининг ўзига хос манба сифатида замонлар оша тилдан-тилга ўтиб, жилоланиб келган мақоллар миллий, маданий бойлигимиз ҳамдир. Улар халқнинг миллий менталитетини, дунёқараши, ўзлиги, ахлоқий меъёр ва принципларини, анъаналарини ҳамда қадриятларини тўлақонли ифода қилади. Бинобарин, эртанги кун ағалари бўлиши ёшлар, айниқса ўқувчилар онгини ўстиришда мақоллар муҳим ўрин тутди.

Маълумки, таълим-тарбия жараёнида озгак ҳамда ёзма тарзда амалга ошириладиган турли воситалардан фойдаланиш гоятда самарали ҳисобланади. Инчунин, дарслар аввалида ёшларга маълумот берилганда, уларнинг ўзига хос машғулотлар ўтказиш бўлади. Масалан, ўқувчиларни гуруҳларга ажратган ҳолда Ватан ва ватанпарварлик мавзусида кўпроқ мақоллар айтиш бўйича кичик мусобақа ўтказиш мумкин. Ушбу жараён якунида эса айтилган мақоллар мазмунини аниқлаш, таъкидлаб кўрсатиш орқали ўқувчилар онгидида Ватани севиш, она юртва садқат, ватанпарварлик тушунчаларини янада ёрқин шакллантиришга эришиш имкони яратилади. Зеро, "Ватани борнинг баҳти бор, меҳнати борнинг - тахти", "Ўзга юртва шох бўлгунча ўз юртингда гадо бўл", "Ватан саждагоҳ каби муқаддас" каби мақоллар ноб маънавий меросимиздан таълим-тарбия жараёнида унумли ва таъсирчан фойдаланиш имконини беради. Ўзбек халқ мақоллари бўйича махсус машғулотларни тинчлик, инсонийлик, дўстлик, меҳнат ва меҳнатсеварлик, яхшилик ва ёмонлик, адолат, билим ва ақл-идрок каби турли мавзулар бўйича изчил, мунтазам ўтказиб бориш мақсадга мувофиқ. Машғулот якунида мавзуга доир ҳамда олдидан тайёrlанган мақоллар рўйхатини яна бир бор ўқиб аштитириш ҳам уларнинг болалар, ёшлар онгидида, хотирасида мустаҳкам ўрин эгаллашига хизмат қилиши шубҳасиз.

Таълим жараёнида мақоллардан фойдаланишнинг яна бир самарали йўли - шартли равишда "Занжир" деб номланган ўзига хос йўлдир. Бунда мақоллар мавзуси чегараланмайди, ўқувчилар бири айтган мақолнинг охириги харфи билан бошланадиган мақол орқали ўйини давом эттиришлари керак бўлади. Масалан, "Меҳнатнинг тағи роҳат" - Турғи улар, эгри тузар - Ростга завол йўқ - Қуруқ гап қулоққа ёқмас" каби. Албатта, бундай ўйиндан олдин болаларга ўзлари билган мақолларни ёзиш топширигини бериш, уларни уйинга ўзига хос тарзда тайёрлаш ҳам мақсадга мувофиқ.

Маънавий меросимиз дурдоналари - мақоллардан оқилона ва кенг фойдаланиш улкан таълимий, тарбиявий аҳамиятга эга. Бинобарин, нафақат ўқувчилар, мураббийлар, балки ота-оналар ҳам ёш авлодини тарбиялашда мақоллардан изчил, мунтазам фойдаланишлари зарур. Биргина мақол ўз мазмунини билан катта асар ўрнини ҳам босиши мумкин, зеро, уларнинг мухтасар, ичкам ҳолда тереин мазмунини ифода қилиши инсон тафаккурига гоятда кўчли таъсир кўрсатиш имкониятига эга. Қўллаб танқил шақслар, атоқли арбоблар ўз ҳаётий широрли сифатида халқ мақолларини энг эътишлари бежиз эмас, албатта.

Ёшларда, айниқса ўқувчиларда, талабаларда ҳаётий тажрибани орттириш, маънавий, гоявий қўнқималарни шакллантириш борасида халқимизнинг бой, серқирра мероси алоҳида ўрин тутди. Мақоллар шу мероснинг азалдан то абад боқий, ўз қадр-қимматини асло йўқотмайдиган ноб, ҳақиқий дурдоналаридир. Мақолларни ўсиб-ўниб бораётган болаларимиз, ёшларимиз қалбларига, онгларига синдириш, улар орқали келажатимиз таъғамини - баркамол авлод тафаккурида эзгуликни, яхшиликни қарор топтириш, ёшлар ички дунёсини янада бойитиш таълим-тарбия соҳасидаги кенг қўламли, муҳим вазифалардан бири бўлиб қолаверди.

Дилдора АРИПОВА,
Олмасор туманидаги 326-мактаб ўқитувчиси

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ МИНТАҚАДА ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ

Тошкент икки кун давомидида йирик халқаро анжуманга мезбонлик қилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференциясида ЎЗА мухбирлари анжуман иштирокчиларининг фикрлари билан қизиқди.

Сергей Лавров, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири:

Ўзбекистон Президентининг минтақада барқарорликни таъминлашга доир ташаббуси Афғонистондаги вазиятни тинч музокаралар йўли билан ҳал қилишда муҳим қадам бўлди. Бу гояни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ҳам қўллаб-қувватлади. Конференцияда Афғонистонга қўшни барча давлатлар вакиллари қатнашди. Чунки бу муаммони уларнинг иштирокисиз барқарор этиб бўлмайди. Айни пайтда конференцияда Европа ва Форс кўрфазиди давлатлари вакиллари ҳам иштирок этгани диққатга сазовор. Биз Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, унинг иқтисодий ва маънавий йўлидаги ҳар қандай саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаймиз.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси Афғонистон ҳукумати ва мамлакат ичидидаги асосий сиёсий кучлар ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб боришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бунга бугун Афғонистон Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани ҳам алоҳида таъкидлади. Конференция бу борада аниқ амалий қадамлар ташлаш имконини яратди.

Бу ташаббусни амалга ошириш учун конференция доирасини кенгайтириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Афғонистонда тинч ва оқошга ҳаёт ҳукм суриши, ушбу мамлакат террорчилик, наркотрафик ва бошқа хатарлардан холи бўлиши барчамизнинг миллий манфаатларимизга жавоб беради.

Евгений Сисоев, ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси директори:

Тошкент халқаро конференцияси Афғонистон бўйича ўтказилаётган гоят муҳим тадбирлардан бири бўлди. Шу ўринда, минтақада барқарор ривожланишни таъминлаш борасида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлашни истардим. Бугун Яқин Шарқдаги можаролар, Шимолий Африканинг айрим мамлакатларида давом этаётган нотинчлик жаҳон ҳамжамияти олдида турган, ҳал этилиши керак бўлган биринчи даражали вазифа бўлиб қолмоқда.

Сурия, Яман, Ливиядаги кескин вазият терроризм экспорти ва миграция тўқинини юзга келтирмоқда. Ушбу мамлакатлар ҳудудидида ҳаракат қилаётган қуролли кучлар босими остида бу ерда террорчилик ҳаракати ўз йўналиш ва географиясини ўзгартириб бормоқда.

Тўқнашувлардан қочиб юрмага қайтаётган ҳаракат аъзолари эса ўз давлатида мудроқ террор ҳаракатини ташкил этмоқда. ШХТнинг аксилтеррор тузилмаси ўз фаолиятини бу каби муаммо ва хатарларни барқарорлаштиришга эришаётганини айтиб ўтишни истардим. Чунки, ҳозирги кунга қадар ташкилотимиз томонидан 600 террорчилик ва кўпурвчилик ҳаракатларининг олди олинди.

Тошкент конференцияси тинчликка эришиш мақсадидаги гоят муҳим қадам бўлиб қолади.

Эрлан Абдилдаев, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири:

Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик бўлса, минтақа давлатлари ривожланиши, халқлар фаровонлиги ошади. Ҳозирга қадар атрофимизда салбий жараёнлар Афғонистон билан боғлиқ вазиятда юз бераётган эди. Хусусан, терроризм, гибҳандлик, қурол-яроғ, одам савдоси муаммолари ва бошқа ноқонуий ҳаракатлар қўшнилар тинчлигини бузаётгани бор ҳақиқат. Шу боис, агар биз Афғонистонга ёрдам берсак, бу билан ўз-ўзимизга ёрдам берган бўлаемиз.

Жон Манза, НАТО бош котибининг операциялар бўйича ёрдамчиси ўринбосари:

ЎЗА



ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА НУРОНИЙЛАРНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими томонидан "Уюшмаган ёшлар тарбиясида кексалар ва фахрийларнинг тутган ўрни" мавзuida давра суҳбати ташкил этилди.

Инсон манфаатларини юрт тинчлиги, жамиятдаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳам-жиҳатлик муҳитидан ажратган ҳолда тасав-вур этиб бўлмайди. Бунда ҳуқуқ-тартибот органлари, маҳалла идоралари, хотин-қизлар, нуронийлар, ёшлар ташкилотларининг ўрни ва ролини янада кучайтириш муҳим.

Тадбирда шу жиҳатларга алоҳида тўхта-либ ўтилди. Унда сўз олган Ўзбекистон Хо-тин-қизлар кўмитасининг эксперти, профес-сор Жамила Шермухамедова, Олмазор ту-манининг имом-хатиби Садриддин Абдура-шидов ва бошқалар ҳозирги мураккаб за-монда тинч-осойишта ҳаётимизни асраш ва мустаҳкамлаш, халқимизнинг кафолатланган ҳавфсизлигини таъминлаш янада долзарб масалага айланганига тўхталиб ўтишди.

Ватанимиз тараққиёти, юртимиз ободли-ги, халқимиз фаровонлигини оширишда ну-ронийларимизнинг муносиб ҳиссаси бор. Ёшлар, айниқса уюшмаган ёшларнинг тар-биясида кекса, нуроний отахон-онахонлари-мизнинг ўрни бекиёс.

Давлатимиз томонидан амалга оширилган ислохотларнинг энг асосий қисмини айнан ёшларга оид ислохотлар қамраб олганлиги, қолаверса улар тақдирини Ватан тақдирини билан чамбарчас боғлиқ эканлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ўқиши ва яшashi учун яратилган имкониятлар ҳар бир ёш авлод қалбида гурур ва ифтихор туйғуларини уйғо-тиши шубҳасиз. Юртимизда ҳукм сураётган

тинчликнинг қадрига етиш ҳамда асраб-авай-лаш бизнинг муқаддас бурчимиздир. Давра суҳбати давомида сўзга чиққанлар доим огоҳ бўлиш, тинч ва осуда Ватанимизда ёшларга яратиб берилаётган улкан имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда бугунги фаро-вон кунларнинг қадрига етиб яшаш керакли-гини таъкидладилар.

Уюшмаган ёшлар бугун нималар билан банд? Уларни қандай муаммолар уйлантира-ди? Бугунги глобаллашув даврида ёшлари-мизни турли ёт гоилардан асраш, "оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлиги-ни мустаҳкамлаш, фарзанд тарбиясида ота-оналарнинг масъулиятини янада ошириш жуда муҳим эканлигини таъкидлаш жониз. Зеро, бу-гунги замон ҳар биримиздан ўта ҳушёрлик-ни, масъулият ва ватанпарварлиқни талаб эт-моқда. Фарзандларни асраб-авайлаш, улар-ни юксак маънавиятли, юрт қорига ярайди-ган авлод этиб тарбиялаш ҳар биримизнинг бурчимиз. Ўз болангни ўзинг асра, деган дав-латкор шiori бугунги кун талабидир.

Бугунги глобаллашув даври ёшлар тарбия-сига янада ҳушёрлик ва огоҳлик билан ёнда-шишни, маънавий-маърифий жараёнларда нуроний отахон ва онахонларнинг тажриба-си, йўл-йўриқлари, насиҳатларидан унумли фойдаланишни тақозо этмоқда. Бу каби тад-бирлар шундай хайрли мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз.

Зиёда РАСУЛОВА

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Мудофасига кўмаклашувчи Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилоти томонидан "Чилонзор ЎСТК" унитар корхонаси негизидаги тирда тасарруфдаги ташкилотлар ўртасида спортнинг пневматик милтиқдан ўқ отиш тури бўйича мусобақа ташкил этилди.

"Ватанпарвар" шаҳар Кенгаши тасарруфдаги ташкилотларда меҳнат қилаётган аёлларга кўта-ринки кайфият бағишлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва спортга бўлган кизиқишларини янада орттириш мақсадида ўтказилган тадбирда 39 нафар аёл фаол катнашди.

Ҳар йили ташкилотда фаолият юритаётган аёллар ўртасида Тош-кент шаҳар биринчилигини ўтка-зиш аънаънага айланган. Бу йил ҳам аънаънага содиқ қолган ҳолда аёл-лар ўртасида мусобақа ўтказилди.

Бугунги кунда жамиятнинг ҳар бир жаҳҳасида аёллик макомига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Хотин-қизларимиз билимдонлиги, оқиллиги, тадбиркорлиги, шунинг-дек, соғлом турмуш тарзи учун спорт борасидаги интилишлари билан барнани лол этиб келишмоқ-да. Жумладан, спортнинг барча йўналишларида жаҳон ва респуб-лика миқёсидаги чемпионатларда аёлларимиз яхши натижаларга эришмоқда.

"Ватанпарвар" ташкилоти Тош-кент шаҳар Кенгаши тасарруфда-ги ташкилотларнинг барча йўна-лишларида бугунги кунда кўп-лаб

аёллар фаолият олиб бормоқда-лар, турли байрамлар арафасида давлатимизнинг юксак мукофотла-ри ва медаллари билан тақдирлан-моқдалар.

Тадбир катнашчилари бор ма-ҳоратларини намойиш этиб, ўз ташкилотларининг шарафини ҳимоя қилиш учун астойдил ҳара-кат қилишди.

Қизгин беллашувлар остида ўтган мазкур мусобақа натижа-ларига кўра шахсий биринчиликда 1-ўринни Татьяна Макарова ("Юнусобод ЎСТК" УК), 2-ўринни Ленара Ҳошимова ("Учтепа ЎСТК" УК) ва 3-ўринни Дилноза Халило-ва ("Юнусобод ЎСТК" УК) кўлга ки-ритишди. Жамоавий натижалар-га кўра, 1-ўрин "Юнусобод ЎСТК" УК, 2-ўрин "Сергели ЎСТК" УК ва 3-ўрин "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши-жамоа-сига насиб этди. "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан мусобақанинг шах-сий биринчилик баҳсларида ғолиб ва совриндорларга эсда-лик совгалар, шунингдек, жамоа-ларга Кубок ҳамда дипломлар топширилди.

Умаржон ҲАЗРАТОВ

"101" ЧОРШАНБА — ЁНГИНЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ КУНИ

Ёнгин ҳавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойлар-да, аҳоли ўртасида ёнгин ҳавфсизлиги кўнун-қондаларини ту-шунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича урчулурлар ташкил-лаштириб келинмоқда.

Бундан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнгинга қарши курашни кучайтириш, уларнинг олдини олишга аҳолини жалб қилишдан иборат. "Тилсиз ёв" билан курашиш фақатгина ёнгин ҳавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир. "Ўз уйингни ўзинг асра" деган шior ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, корхона, муассаса учун тааллуқли-дир. Аҳолининг кўйидаги ёнгин ҳавфсизлиги қондаларига риоя қилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Очiq алангадан фойда-ланилаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш. Электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш ва носоз ҳолда, қўлбола тайёрланган электр ва газ асбобларидан фойдаланмаслик. Бел-гиланган жойларда чекиш.

Юқоридаги қондаларга риоя қилинса ҳар бир фуқаро йил-лаб йиққан мол-мулки, уй-жойи, қолаверса ўзи ва яқинлари-нинг ҳаётини асраган бўлади.

Мурод ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президент Девони
биносини Ёнгиндан муҳофаза қилувчи Ёнгин
ҳавфсизлиги бўлими кичик инспектори, кичик
сержант

Гугурт ва алангаланувчи моддаларни ёш болалардан узок-да ҳамда кўринмайдиган жойлардан сақлаш муҳим қондалар-дан биридир.

Шу билан бирга болаларнинг газ мосламаларидан фойда-ланишга руҳсат бермаслик, уларни ўйда ёлғиз қолдирмасликка эътибор қаратиш даркор. Уй атрофида ёнгин ўчириш автоулов-лари, ўтиш йўлакларни турли хил тўсиқлар билан тўсиб қўйма-лик ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Азиз хамшаҳарлар, ёнгин қондаларига риоя қилиш билан Сиз ўз уйингиз, оилангиз, ёш болаларингизни офатдан сақла-ган ва пойтахтимиз чиройига ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

Ҳасан НИҒМАТОВ,
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат
академик катта театри биносини ёнгиндан
муҳофаза қилувчи ёнгин ҳавфсизлиги бўлими кичик
инспектори, сержант

Доно халқимиз "Ўт балосидан, сув балосидан ўзинг асра" деган ҳикматли иборани бот-бот такрорлашда катта маъно бор. Чунки, оловни беҳиз "тилсиз ёв" дейишмайди.

У қутлимган вақтда, олдин ёнгин ҳавфсизлиги қондаларига риоя қилмаган ҳолда содир бўладики, алангалини ёнаётган оловни бартараф қилиш учун "101" рақамига кўнгроқ қилиб, ёнгин ўчирувчилардан наҳот қутишдан ўзга чора қолмайди.

Ёнгин ҳавфсизлиги хизмати ходимларининг биринчи галда-ги вазифаси ҳам ёнгинларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишдан иборат.

Хурматли хамшаҳарлар! Хонадонларингиз ва хизмат жойин-гизда ёнгин ҳавфсизлиги қондаларига тўлиқ риоя қилиш. Бу орқали ўзингиз ва фарзандларингиз, уй-рўзгор аяқларингиз-ни ҳамда давлат мулкни ёнгиндан сақлаган бўласиз.

Муслимбек УРИНБЕКОВ,
Сергели тумани Ёнгин ҳавфсизлиги бўлими
инспектори, сержант

Ёнгин ҳавфсизлиги хизмати ходимлари сизларни огоҳликка чақириб, содир бўлиши мумкин бўлган ёнгин ва бошқа фаву-лодда ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида белгиланган қонда талабларига тўлиқ амал қилишингизни сўрайди.

Нафақат уйингизда, балки иш жойингизда ҳам эътиборли бўлиб, белгиланган жойларда сигарета чекманг, ажратилган жойлардаги махсус идишларга сигарета қолдиқларини таш-ланг. Шу билан бирга иш вақтингиз тугагандан сўнг хоналар-даги чироклар ва компьютер жиҳозларини манбадан узиб кети-шингизни сўраймиз.

Шухрат ҒОҒУРОВ,
Учтепа тумани ЕХБ инспектори,
кичик сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳрида 2018-2019 йилларда иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида, "Тошиссиқуввати" ДУК: — иссиқ сув бўйича иссиқлик истеъмолчи-ларини чегаралаган ҳолда 2018 йил 29 март куни ИМ-4 (М-4,8), 2018 йил 30 март куни ИМ-4 (М-0,1), 2018 йил 2 апрель куни ИМ-1 (М-1,4) иссиқлик манбаларидан ҳисоблан-ган ҳароратда синовдан ўтказилади;

— 2018 йилнинг 6 апрелдан 1-ИМ (М-1,4) иссиқлик манбалари ҳаракат доира-сида иссиқ сув бўйича иссиқлик истеъмол-чиларини чегараламаган ҳолда, иссиқлик тармоқларининг механик чидамлилиги ва зичлилиги (юқори босим) синовдан ўтқа-зилади.

Қолган иссиқлик манбалари бўйича си-новлар ўтказиш саналари "Тошкент оқшо-ми" газетасининг 13.03.2018й.даги 48-со-нида ва "Вечерний Ташкент" газетасининг 14.03.2018й.даги 49-50-сонларида чоп этилган.

Иссиқлик манбаларининг амал қилиш зо-налари манзилий рўйхати:
4-ИМ (М-4,8)
29 март — ҳисобланган ҳарорат
— Амир Темура шох кўчаси, Аҳмад Дониш,

Янгишаҳар, Деҳқонобод, Соҳибкор, Катта халқа йўли, Кичик халқа йўли, Шахристон, Чинобод, Уч Қахрамон, Мойкўрғон, Қулоқ-тепа, Янги Юнусобод, Юнусота, Жумамас-жид, Юнусобод даҳаси 1-19 мавзелари.

4-ИМ (М-0,1)

30 март — ҳисобланган ҳарорат
— Амир Темура, Мустақиллик шох кўчала-ри, Осиё, Боғишамол, Минор 1-берк, Бо-домзор йўли, Ниёзбек йўли, Кичик халқа йўли, Ҳамид Олимжон, Мингўриқ, Абдулла Қодирий, Бодомзор, Кўрғазма, Қозитарнов, Гиргиртепа, Боғиравош, Шивли, Шухрат, М.Турғунбоева, Гулсарой, Себзор, Олтин-сой, Шимолий Олмазор, Зулфияхоним, Лабзак, Нурафшон, Сағбон, Зиё, Шифо-нур, Қорақамиш кўчалари, 1-Қорақамиш кўчаси, М-1,2,4,5,6,12,15, М-17, 18 (Себ-зор), Тахтапул, Қорақамиш 1/1, 1/2, 1/3, 1/4, 2/1, 2/2, 2/5 даҳалари, Ҳамид Олим-жон майдони.

1-ИМ (М-1,4)

2 апрель — ҳисобланган ҳарорат
6 апрель — босим билан текшириш (оп-рессовка) — Мустақиллик шох кўчаси, Мир-зо Улугбек, Буюк Ипак йўли, Қори Ниёзий, Муҳаммад Юсуф, Сайрам, Тамарахоним,

Оқкўрғон, Оқкўрғон 1-тор кўчаси, Осиё, Навниҳол, Ясси, Қаландар, Бўз, Сайрам 6-тор кўчаси, Чуст, Сайрам 7-тор кўчаси, Кат-та Дархон, Геология, И. Мўминов, Ниёзбек йўли, Кичик халқа йўли, Дўрмон йўли, Ша-ҳристон, Зиёлилар, Мирзақалон Исмоилий, Паркент, Я. Фуломов, Боғишамол, Наман-ган, Зарбулоқ, Шаҳрисабз, Қирқийгит, Озодлик, Катта халқа йўли, Тамарахоним тор кўчаси кўчалари, Яланғоч, Тошқийлоқ-маш, Мавлоно Риёзий, Бўз -1 даҳалари, ТошГРЭС посёлкаси, Ҳамид Олимжон май-дони, Тошкент Давлат аграр университет то-зонаси.

Сизнинг эътиборингизни иссиқлик тар-моқлари қувурларида шикастланишлар бўлиши мумкинлигига қаратамиз. Йўлларнинг қатнов қисмига ва пиёда-лар йўлига иссиқ сув сачраши мумкин, ҳайдовчилар ва пиёдалар, маъмурий ва турар жой биноларидаги одамларнинг эҳтиёткор ва эътиборли бўлишлари та-лаб этилади.

Вақтинчалик ноқулайликлар бўлишини ту-шунишингизни сўраймиз. Ноодатий ҳоллар-ни сезсангиз, 215-72-73 телефонни орқали маълум қилишингизни сўраймиз.

Бинолардан фойдаланиш департаменти балансида-ги Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 66-уй манзилидаги бинога тайёрланган 31853/2012-сонли кадастр ва ТА № 1598470 гувоҳнома ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент ш. Олмазор туманидаги 28-сонли мактаб томонидан 2006 йилда Абдурахимов Азизбек Носирали ўғли номига берилган У № 2280553 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Оқшоми
Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@uamail.uz

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95,
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамитга» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида террийд ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г-335

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиққди
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
12597 нусхада босилди.
Қозғоқ бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ